

VIII. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 75,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,6 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 346,7 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 1,6 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари

	2018 йил январь-март	2017 йил январь-марта нисбатан фоиз ҳисобида
--	-------------------------	---

Ташилган юқ, млн. тн	75,2	100,6
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	75,2	100,6
<i>Юк айланмаси, млн. тн-км</i>		
автомобил транспортида	346,7	101,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-мартга нисбатан 2,4 фоизга кўпайди ва 111,7 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 33,0 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-мартда 32,6 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 31,4 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 103,2 фоизни ташкил этиб, 918,5 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-март	2017 йил январь-маргга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	31,4	104,7
<i>шу жумладан, автомобил транспортида</i>	<i>31,4</i>	<i>104,7</i>
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	918,5	103,2
<i>шу жумладан, автомобил транспортида</i>	<i>918,5</i>	<i>103,2</i>

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-маргга нисбатан 1,7 фоизга кўпайди ва 656,5 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 72,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-мартда 73,6 фоиз)